



ЕР ОСТИ СУВИ МОНИТОРИНГИДА МОДЕЛЛАШ
ЭКСПЕРИМЕНТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ
Эгамбердиев Ҳожиакбар Салоҳитдинович¹

¹Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Қарши филиали “Ахборот технологиялари” кафедраси доценти в.б., т.ф.б.ф.д. (PhD)

Рахматуллаев Достон Асад ўғли²

²Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Қарши филиали “Ахборот технологиялари” кафедраси стажёр-ўқитувчisi

Дилмуров Зухриддин Дўстмурод ўғли³

³Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Қарши филиали “Ахборот технологиялари” кафедраси стажёр-ўқитувчisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7533024>

Аннотация: Мазкур мақолада ер ости суви мониторинги моделлаш экспериментини Китоб Шахрисабз вохаси ер ости сувларида амалга оширилиши ҳамда таклиф этилаётган ҳисоблаш тартиби келтирилган. Таклиф этилаётган ёндашув ёзда суғориш учун қишида ер ости сув ҳавзаларида вақтинча тўпланган сув ресурсларини танлашни назарда тутади. Бу минтақавий манфаатларга ҳисса қўшиб, ер ости сувларини бошқариш учун тавсия этилган ва амалга ошириш бир нечта истиқболли режалардан ташкил топган.

Калит сўзлар: суғориш тизимлари, сунъий тўйинтириш, гидрогоэкологик ва гидрологик манфаатлар, парланиш, транспирация, буғланиш

Дарё ҳавзасида ер усти сувларининг танқислиги кучайиб Қашқаларё водийсида муқобил манбаларни, жумладан, ер ости сувларини излашни талаб қиласи. Олдиндан режалаштирилган давлат сув таъминоти сув хўжалигида ер ости сувларини башоратлаш, тежамкорликда фойдаланишга ўтиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олади. Худудда сув хўжалиги учун ер ости сувларидан фойдаланиш дарё, сой ва каналлардан сизилиш ҳамда суғориш тизимлари сувидан фойдаланишга нисбатан ҳали ҳам анча кам бўлиб, сунъий тўйинтириш миқёсда жорий этиш кучайиб бораётган сув танқислиги таъсирини сезиларли даражада камайтириши, маҳаллий ва минтақавий даражада сув ресурсларини бошқаришни яхшилаши мумкин. Ушбу ҳисоблаш эксперименти тажрибасига ичимлик суви таъминоти нуқтаи назарни қараб, Китоб-Шахрисабз водийсида ўзаро сув алмашиниш ҳудудларини аниқлаш ва сув олиш иншоатларини лойиҳалашга мослашган таклифлар ишлаб чиқилди. Ушбу ишдан асосий эътибор қарор қабул қилувчilar ва амалиётчilarнинг чора тадбири ҳамда турли



режалар ишлаб чиқишида миңтақа сув таъминотини амалга оширишнинг афзаликлариға қаратишидир. Қуйида Китоб-Шаҳрисабз водийси шароитлари учун ер ости суви мониторингидан моделлаш экспериментини амалга ошириб, таклиф этилаётган ҳисоблаш тартиби тавсифланган.

Ер ости сувларини сув таъминоти бўйича – сув ресурслари ҳажмини кўпайтириш, ер ости суви горизонтларида сув сифатини яхшилаш ва суғориладиган майдонлардан қайтиб келадиган сувни тартибга солиш мақсадида ер ости сувларининг тўлдирилишини ўрганиш учун мўлжалланган ва қуидаги афзаликларга эга бўлиши мумкин: келажакда фойдаланиш учун ер ости сув қатламларида сув ресурсларини вақтинча сақлаш; мукаммаллик даражаларни ўрганиш ва таклиф этиш; ер ости сувлари ва уларнинг камайиб кетишининг, кўтарилишини олдини олиш, тупроқларнинг шўрланиши ва ботқоқланишини камайтириш.

Сувнинг самарасиз фойдаланиши ва йўқотишларини камайтириш, буғланиш ва шўрланган сувларни олиш имкониятисиз ёки ахоли пунктлариға оқиб чиқиши, улар бефойда сарфланиши ва ифлосланишни олдини олишдир.

Ер усти ва ер ости сувларининг сифатини оширишни бир бутунлик режаси таклиф этилиб, бунда гидрогоеэкологик ва гидрологик манфаатлар назарда тутилган (ер ости сувларидан ичимлик суви сифатида ёки дарёлар ва сойлар сувидан ер ости сувлари оқими учун фойдаланиш).

Сўнгги ўн йилликларда бутун дунё бўйлаб ер ости сувларини олишнинг сезиларли ўсиши кузатилди, ер ости сувларидан бекарор фойдаланиш катта майдонларда сув сатхининг пасайиши билан боғлиқдир.

Китоб-Шаҳрисабз водийсида бир қатор алмашинувчи гидрогоеологик ҳудудлар аниқлаган: 1) ер ости сувларининг табиий тўйиниши ва оқиб ўтиш ҳудуди; 2) ер ости сувларининг дарё ва каналларга оқиб чиқиб кетиши ҳудуди; 3) дарё ва каналлардан ер ости сувларига сизилиб кириши ва тўйиниши ҳудудлари; 4) ер ости сувларининг ташкил топиши ва тарқалиш ҳудуди; 5) ер ости сувларининг сув олиш иншоатларида олиниш ҳудудлари ва кенг текисликларда парланиш ҳамда транспирация ва ҳоказолар.

Дастлабки ҳудудда адир ва қирлардан кичик дарё, сой ва ирмоқларнинг юқори қисмида ер ости сувини табиий тўйинишини ифодалайди. Дарёлар ва суғориш каналлари бу ҳудудда чуқур жойлашган ер ости сувларини тўйинтиради. Ҳудудининг сувли қатламлари йирик шағал, шағал тош, кумсимон майда тошлар конлари билан ифодаланади ва ер ости

**THEORETICAL ASPECTS IN THE FORMATION OF
PEDAGOGICAL SCIENCES**
International scientific-online conference

сувларини түплаш ва сақлаш учун қулай табиий шароит яратади. Бу сув ўтказувчанлиги юқори бўлган ётқизиқлар аста-секин 2 - ҳудуд бўлган бир чеккасида тупроқ ва қумлоқлар билан табиий равишда алмашиниб боради. Бу икки ҳудуд ўртасида, баъзан 2 - ҳудуд охирида айрим жойларда, турли туман 3 - тор ҳудудлар мавжуд бўлиб, у ерда ер ости сувлари сизилиб чиқиб, булоқлар тизимларини ҳосил қиласи, жилғалар сойларга, сойлардан дарёларгага қуйилади. Сувли қатламларнинг ўтказувчанлиги 3 - ҳудудидан 4 - ҳудудига ошиб ўтади ва кунига 35 дан 600 м² гача ўзгариб туради. Бошқа томондан, ер ости сувлари сатҳи ва минераллашуви ўзгариши 4 - ҳудуддан 5 - ҳудудга ўтади. Умуман олганда мустақиллик йилларида энг кўп сув олиниши 3,5 км³ га етган бўлиб, ер ости сувларининг олиниши 2005 йилга келиб 2,7-2,8 км² гача қисқарди.

Мазкур тадқиқотда таклиф этилаётган ёндашув ёзда суғориш учун қишида ер ости сув ҳавзаларида вақтинча тўпланган сув ресурсларини танлашни назарда тутади. Бу буғланишни, сув оқимидан чукур горизонтларга йўқотишларни камайтиришга ёрдам беради ва ифлосланишнинг олдини олади, бу минтақавий манфаатларга ҳисса қўшиб, ер ости сувларини бошқариш учун тавсия этилган ва амалга ошириш қуйидаги истиқболли режалардан иборатdir:

1-босқич а) Китоб-Шаҳрисабз водийси ҳудудидаги ер ости сувларини бошқариш хусусиятларини ўрганиш, ер ости сувларини заҳиралаш имкониятларини аниқлаш ёки ер ости сувларини интенсив тортиб олиш орқали сув ресурсларини йиғиш имкониятларини яратиш; б) ер ости сувларини тўйиниш ҳудуди ва шарт шароитларини аниқлаш; в) ичимлик ва суғориш учун ер ости сувларидан фойдаланиш ҳамда ер усти сувлари билан биргаликда фойдаланиш учун қулай ҳудудни аниқлаш ва сувни тежаш усулларини аниқлаш.

2-босқич а) Ер ости суви конларининг бир қисмида унинг сатҳини пасайтириш учун, суғориш майдонларига ер ости сувларини олишни кучайтириш, дарё ва сойлар сувини ташувчи каналлар бўйлаб тарқалган ҳудудларда шимилиш жараёнини интенсивлаштириш. Танхоздарё дарёсининг қишки оқимидан фойдаланиб, Китоб-Шаҳрисабз водийсининг Оқдарё дарёлари сувлари ер ости сувларини тўйинтириши шарт шароитларини ўрганишdir.

Кичик дарёлар ҳавзаларининг юқори ва ўрта қисмларида ер ости сувларини тўйинтириш ҳудудида сувни тежовчи технологияларни жорий этиб, тежалган сувдан дарёning ўрта оқимида сувдан



фойдаланувчиларини сув билан таъминлашни яхшилаш ишлаб чиқишидир. Захкаш, коллектор-дренаж сувлари ҳажмини камайтиришни ҳисобга олган ҳолда дренаж тармоғини қайта лойиҳалаш. Ушбу ёндашувни амалга оширишни дарё ҳавзасидан бошлаш таклиф этилади. Оқ дарё ҳавзасидаги сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, каналининг охирида жойлашган худудларга салбий таъсирини баҳолаш, қўшни худудлардаги коллектор-дренаж оқимининг дарёга бурилишини ҳисобга олмагандан, дарё ҳавзасида ушбу ёндашувни математик ҳисоблар асосида амалга оширилди.

3-босқич. Худуднинг ер ости суви конидан ер ости сувларини тортиб олишни кўпайтириб, сой ва каналларнинг ер усти сувлари билан суғоришдан дарёлар ҳавзасидаги ер усти ва ер ости сувларидан биргаликда фойдаланишга ўтиш. Асосан Оқдарёning юқори ва ўрта оқимида сувни тежовчи технологияларни қўллаш. Дарёning юқори оқими бўйлаб ўрнатилиши таклиф қилинаётган суғориш тўсиқлари, худудлар ер ости сувларини қайта тиклашга ёрдам бериб, бу уларнинг сифати ва заҳираларининг сақланишига олиб келади. Дарё ўзани худудида сув сатҳини пастга туширгандан кейин, ер ости сув таъминоти тизимлари дарёning қишки оқимини сизилиши учун канал бўйлаб инфильтрация ҳавзалари, суғориш худудлари каби майдонлар режалаштирилиши мумкин. Бунда кичик тўғонлар барпо этилиб, қудуқлардан ер ости сувларини олиш учун энергия таъминоти сифатида ишлатиш учун магистрал каналларда электр ишлаб чиқариш станцияларининг қувватини ошириш мумкин.

4-босқич. Китоб-Шаҳрисабз водийсида минтақавий миқёсда ер ости сувларини бошқариш мақсадида магистрал каналлар ва кичик дарёларнинг алоҳида ҳавзалари бўйлаб, айрим ҳолларда алоҳида ер ости сувлари конлари учун (мақсадга эришилганда), мукаммаллаштириш масаласини қўриб чиқишига ўтиш мумкин бўлади. Ер ости сувларини суғориш ёки ер усти ва ер ости сувларидан биргаликда фойдаланиш учун яроқли худудлар ҳар бир гидрогеологик худудда сувли қатламларнинг ўтказувчанлигини, ер ости сувларининг чуқурлиги ва сифатини (бунда асосан сатҳ ўзгариши, минераллашув даражаси баҳоланади) баҳолаш асосида аниқланиши қуйидаги тартиб бўлиши мумкин: маъмурий туманлар ёки гидрогеологик худудлар; ер ости горизонтларининг худудлари ёки қисмлари.

Юқори 50-70 метрли қатламдаги сув үтказувчанлиги ва сувли қатламларнинг туташлиги асосида босимли ажратилган ва қуидаги бир неча тоифаларга, яъни гуруҳларга бўлинган: чўкинди жинслар үтказувчанлиги $70 \text{ м}^2/\text{кун}$ дан кам бўлган худудлар; паст үтказувчанлиги 70 дан $100 \text{ м}^2/\text{кун}$ гача бўлган жойлар; яхши үтказувчанлиги 100 дан $300 \text{ м}^2/\text{кунгacha}$ бўлган жойлар; үтказувчанлиги $300 \text{ м}^2/\text{кундан юқори}$ бўлган худудлар.

5-босқич. Ер ости сувлари сатҳининг чуқурлиги асосида аниқланган қуидаги кичик худудларни аниқлаш: ер ости сувлари сатҳи ер юзасидан 3 м дан паст бўлган худудлар; ер ости сувлари сатҳи 3 - 7 м гача бўлган худудлар; ер ости сувлари сатҳи 7-10 м гача бўлган худудлар; ер юзасидан 10 м дан ортиқ ер ости сувлари сатҳи бўлган кичик худудлар.

Хулоса: Математик моделлаш жараёнида суғориладиган далаларнинг инфильтрация тезлиги гидрологларнинг ихтисослашган инфильтрация ҳалқаси усули ёрдамида математик моделлаш ҳисоб тажрибалари бошланишидан олдин ва кейин уч маротаба ўлчанди. Тажриба майдончасида ер ости суви таъминотини мониторинги ва назорат қилиш синовидан сўнг бутун дарё ҳавзасида ер ости сувларини заҳиралаш имитация моделлаш ишлари амалга оширлди. Сув сатҳининг декадалик кузатиш мониторинг ишлари шуни кўрсатдики, инфильтрация худудларидан 350 м масофада ер ости сувлари сатҳи 75-65 см га қўтарилган.

Баланс ҳисоб-китоблари шуни тасдиқладики, иккинчи босқич муддати узоқроқ бўлишига қарамай, бу худудда инфильтрациянинг ортиқча миқдори 1-босқичга нисбатан камроқ бўлмоқда, 1-босқичда ер ости сувларини тўйиниши ҳажми 2-босқичга нисбатан икки баравар кўп бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Akhralov Sh.S., Yusupov R.A., Egamberdiev Kh.S., Begimkulov D.K., JumanovJ.J., Sayfullayeva N., Ishanxodjaev O.A. Mathematical Modeling of Hydrogeological Processes on the Base of Geoinformation Technologies. // International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology (IJARSET). ISSN: 2350-0328 Vol. 7, Issue 2, February 2020
2. Djumanov J.X. Mathematical modeling of geofiltrational of processes of the regional hydrogeological systems// Vienna, Austria. European Science Review. 2016. №11-12. Page 28-33. (05.00.00 №3)
3. Djumanov J.X., Zayniddinov H.N., Eshmurodov D.E., Egamberdiev Kh. Mathematical Modeling of the Processes Formations of stocks in Low Water Period (on the example of the Kitab-Shahrisabz aquifer)// International Journal

of Innovate Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075,
Volume-9 Issue-8, June 2020

4. Djumanov J.X., Ishankhadjaev O.A., Begimqulov D.Q., Egamberdiev Kh., Jumanov J.J. Development Of A Hydrogeological Simulation Model Of Geofiltration Processes In Regional Aquifers Of Fergana Valley. // International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT) 2019 y.
5. Джуманов Ж.Х., Юсупов Р.А., Эгамбердиев Х.С. Математическое моделирование процессов геофильтрации подземных вод в многослойных средах (на примере Китабо-шахрисабзского месторождения подземных вод)/ ВЕСТНИК ТУИТ. -Ташкент. ТАТУ. 3(51) 2019, -C.87-98 (05.00.00; 31)
6. Джуманов Ж.Х., Юсупов Р.А., Эгамбердиев Х.С. ва б. К вопросу практического применения «Big DATA» в гидрогеологических исследованиях// Пятая Международная научно-практическая конференция «Big DATA and Advanced Analytics. Big DATA и анализ высокого уровня» Минск. Республика Беларусь. 13-14 марта 2019 года. – Б.100
7. Джуманов Ж.Х.,Бегимкулов Д.К.,Хушвактов С.Х., Эгамбердиев Х.С. Разработка типовых компьютерных моделей формирования запасов месторождений подземных вод в маловодных период. // “Ахборот ва телекоммуникация технологиялари ривожланиш истиқболлари” Республика илмий-техник конференция материаллари. Қарши 2018